# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «7» 6 2022-116-2-35-OB-сон Жондор туман.

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган Жондор туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **И.Музаффаров** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган Жондор туман **Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** номидан Низом асосида иш кўрувчи Б.Шомуродов иккинчи томондан **Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жорий таъмирлаш**га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. Таърифлар**

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

**"ижро ҳужжатлари": -** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиклангaнлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ томондан **Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жөрий таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори **(2022 йил " 4 " июндаги баённома)** билан тасдиқланган ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **930 000 000 (Тўккиз юз ўттиз миллион) сўм**ни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

**V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

**VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **2**ни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 279 000 000 (Икки юз етмиш тўккиз миллион ) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш

учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи

томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 **ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 3 **ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.02 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.02 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 **нусхада** тузилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| Жондор туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси | Жондор туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| (бюджетдан маблағ олувчининг номи) | |
| Манзил: Жондор туман М.Торобий кучаси | Бухоро вилояти Жондор тумани Эскиён МФЙ |
| Тел./факс 58-23-490 | Тел 65- 58-21 -481 |
| Ғазна./ҳ р 23402000300100001010 | Банк: Қишлоқ қурилиш банк Бухоро ш. БХО |
| Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ | Х/Р:_ 20210 000 300 414 423 006 |
| МФО 00014 ИНН 201807855 | Х/Р:_ 22626 000 000 414 423 001 |
| ОКОНХ 90211 | МФО:_01037 _ИНН:_201808324 |
| ш/ҳ 401722860062467045204110001 | |
| Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси | |
| Банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ | |
| МФО 00014 ИНН 201122919 | |
| Рахбар: И.Музаффаров | Рахбар: Б.Шомуродов |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: WY53567053

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Hujjat raqami: WY53567053

2.Loyihaning turi: Shartnoma

3.Loyihaning nomi:

Pudrat shartnomasi to'g'risida

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Jondor tumani hokimligi obodonlashtirish bo'limi tomondan 930 000 000 (To'kkiz yuz o'ttiz million) so'mli pudrat shartnoma tuzish to'g'risida ishlab chiqilgan va 2022-yil 07-iyun kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **A.Rasulov**

2022-yil 07-iyun

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 95815 на приобретение Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 04.06.2022

Время рассмотрения 04.06.2022 10:42

Конкурсная комиссия Жондор туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | QURBONOVA DILNOZA ISMOIL QIZI | Омбор мудири | Ободонлаштириш |
| **Секретарь комиссии** | USMANOV MARSEL MARATOVICH | Техник назоратчи | Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | TOXIROV MUROD NOROVICH | Бош хисобчи | Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | XOLOV MUXTOR MURODOVICH | Бош мухандис | Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LI | Булим бошлиги | Ободонлаштириш |
| **Председатель комиссии** | MUZAFFAROV ILHOM NURIDDINOVICH | Бошкарма бошлиги | Ободонлаштириш |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.06.2022 года № лота 95815.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жорий таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 975 414 036.00 |
| Стартовая сумма | 975 414 036.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишнинг уз вактида бажарилиши

Тип: Числовое значение

Описание: Ишнинг уз вактида ва сифатли бажарилиши учун кафолат хати

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 20 до 60 кун

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 15 | 926643334 | 15 | Системная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 15 | 50 | 11.34 | Системная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 15 | 59 | 14.63 | Системная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 15 | 60 | 15 | Системная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 15 | 60 | 15 | Системная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 15 | 20 | 0.37 | Системная | Дисквалифицирован | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 15 | 907135053.48 | 15 | Системная | | |

Критерий №2 Иш стажи

Тип: Числовое значение

Описание: Корхона мазкур курилиш сохасида неча йилдан буён фаолият юритиб келаётганлиги хакида

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 3 до 10 йил

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 15 | 926643334 | 15 | Системная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 15 | 4 | 3.75 | Системная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 15 | 7 | 9.38 | Системная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 15 | 6 | 7.5 | Системная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 15 | 10 | 15 | Системная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 15 | 14 | 15 | Системная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 15 | 907135053.48 | 15 | Системная | | |

Критерий №3 Бажарилган ишларнинг сифатига бериладиган кафолат

Тип: Числовое значение

Описание: Бажарилган ишларнинг сифатига бериладиган кафолат

Обязательность: Критично

Требование заказчика: Не менее: 2 лет

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 15 | 926643334 | 15 | Системная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 15 | 2 | 15 | Системная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 15 | 3 | 15 | Системная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 15 | 3 | 15 | Системная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 15 | 2 | 15 | Системная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 15 | 7 | 15 | Системная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 15 | 907135053.48 | 15 | Системная | | |

Критерий №4 Бажарилган ишлар тугрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхона олдин бажарган ишлари тугрисида маълумотнома ва тавсифномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 20 | 0 | 18 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Махсулот мавжудлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Таъмирлаш ишларида ишлатидаган махсулотларинг мавжудлиги ёки узи томонидан ишлаб чикарилиши тугрисида маълумотлар (сертификат, лицензия, ишлаб чикариш корхонасининг хужжати)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ХПТФК | | | | | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Коррупцияга карши талаблар

Тип: Бинарное значение

Описание: 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 15 | 1 | 14 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №7 Корхонанинг молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Молиявий натижа, баланс, банк маълумотномаси, охисги бир йиллик обородка, солик ва бошка мажбурий туловлардан бошка ташкилотлардан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 25 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 25 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 25 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 25 | 1 | 17 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 25 | 1 | 24 | Экспертная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 25 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 25 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №8 Корхона хакида маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг банкротлик холатида эмаслиги ва нохалол тадбиркорлар руйхатида турмаслиги тугрисида тегишли маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 15 | 1 | 8 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 15 | 1 | 5 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 15 | 1 | 12 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 15 | 1 | 12 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 15 | 1 | 13 | Экспертная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 15 | 0 | 14 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 15 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №9 Ишчилар хакида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонада ишлаётган ишчилар хакида умумий маълумот, сугурта полислари, ходимларнинг дипломлари, малака тоифалари, корхонада ходимлар хакикатда мавжудлиги хакида солик хисоботидан 6 ойлик нусха, хисобланган иш хаки жамгармаси тугрисида тегишли 4-шакл форма, статистика булимидан маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 25 | 926643334 | 15 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 25 | Ишлар конунчилик доирасида бажарилади | 10 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 25 | Корхонада ишлаётган ишчилар хакида умумий маълумот, сугурта полислари, ходимларнинг дипломлари, малака тоифалари, корхонада ходимлар хакикатда мавжудлиги хакида солик хисоботидан 6 ойлик нусха, хисобланган иш хаки жамгармаси тугрисида тегишли 4-шакл форма, | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | статистика булимидан маълумотнома | | | | |
| **JONDOR IRIS STROY MCHJ** | 25 | Корхонада ишлаётган ишчилар хакида умумий маълумот, сугурта полислари, ходимларнинг дипломлари, малака тоифалари, корхонада ходимлар хакикатда мавжудлиги хакида солик хисоботидан 6 ойлик нусха, хисобланган иш хаки жамгармаси тугрисида тегишли 4-шакл форма, статистика булимидан маълумотномалар мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК** | 25 | Корхонада ишлаётган ишчилар хакида умумий маълумот, сугурта полислари, ходимларнинг дипломлари, малака тоифалари, корхонада ходимлар хакикатда мавжудлиги хакида солик хисоботидан 6 ойлик нусха, хисобланган иш хаки жамгармаси тугрисида тегишли 4-шакл форма, статистика булимидан маълумотномалар тулик юкланган | 24 | Экспертная | | |
| **NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO** | 25 | малумот юкланди | 20 | Экспертная | | |
| **GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ** | 25 | Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жорий таъмирлаш | 20 | Экспертная | | |

Критерий №10 Асосий воситалар

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишнинг уз вактида ва сифатли бажарилиши учун корхона хисобида мавжуд асосий воситалар хакида маълумотнома, мавжуд асосий воситалар тугрисида баланс хамда статистика маълумотномаси, Техникалар буйича тулик маълумотлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 20 | 1 | 5 | Экспертная | | |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 975 414 036.00 | 970 000 000.00 | 02.06.2022 23:36:30 | 18.65 |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 975 414 036.00 | 975 414 036.00 | 02.06.2022 15:59:00 | 18.54 |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 975 414 036.00 | 930 000 000.00 | 03.06.2022 00:15:13 | 19.45 |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 975 414 036.00 | 904 410 000.00 | 02.06.2022 14:15:01 | 20.00 |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 975 414 036.00 | 907 135 053.48 | 03.06.2022 09:53:15 | 19.94 |
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 975 414 036.00 | 926 643 334.00 | 02.06.2022 10:37:02 | 19.52 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| NAVBAHORIMKON TAYYORLOV SAVDO | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| JONDOR IRIS STROY MCHJ | 60.324 | 18.64763 | 78.97163 |
| ROMITAN TRANS YO'L QURILISH MCHJ | 67.464 | 18.54413 | 86.00813 |
| ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК | 77.4056 | 19.44968 | 96.85528 |
| STROY SITY LYUKS MCHJ | 42.8496 | 20 | 62.8496 |
| GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ | 71.3512 | 19.93992 | 91.29112 |
| BUXORO SANOAT МЧЖ | 58.8112 | 19.52013 | 78.33133 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 95815 от 04.06.2022 года на приобретение Нурафшон МФЙ худудидаги йулни жорий таъмирлаш определила победителем:

ЖОНДОР ТУМАН ЙУЛ ХПТФК
201808324

и резервный исполнитель: GAZLI MAGISTRAL QURILISH МЧЖ (301271138)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | XOLOV MUXTOR MURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | QURBONOVA DILNOZA ISMOIL QIZI | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | MUZAFFAROV ILHOM NURIDDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | TOXIROV MUROD NOROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**Жондор туман хокимининг қурилиш ишлар бўйича ўринбосари:**

**_______________________А.Зокиров**

**«____» ______________________ 2022 й**

**Жондор туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи :**

**_________________И.Музаффаров**

**"______" __________________2022 йил**

**Жондор тумани Нурафшон МФЙ худудидаги автомобил йўлини жорий таъмирлаш бўйича**

**Н У Қ С О Н Л А Р   Қ А Й Д Н О М А С И**

Биз қуйида имзо чекувчилар,комиссия аъзолари: Жондор туман молия бўлими вакили О.Рамазов; Жондор туман Ободонлаштириш бошқармаси вакили Р.Рузиев; Жондор туман Нурафшон МФЙ раиси А.Бобажонов Бухоро электротехлойиха МЧЖ вакиллари А.Бобожонов ваЖ.Зоировлар мазкур қайдномани туздик шу тўғридаки, визуал текшириш ва инструментал ўлчашлар натижасида ушбу йўл бўйича қуйидаги иш турлари ва ҳажмлари аниқланди.

| № | Ишларнинг манзили | | | | Узунлиги (м) | Йўл элементларининг мавжуд холати | Лойихада кузда тутилган иш турлари ва тадбирлар | Иш хажмларини хисоблаш формуласи | Улчов бирлиги | Микдори (хажми) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | км | | Пикети | | | | | | | |
| | дан | гача | Боши | Охири | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 2 | 7.00 | 1.440 | 7+00,00 | 14+40.00 | 740 | Мавжуд йул копламаси емрилган, нотекис, нишаблиги меъёрий холатда эмас. Копламада ёриклар, чукурчалар мавжуд. | Қум-шағал аралашмасидан йўлнинг юзаларини текислаш | 740х6 | м2 | 4440 |
| 3 | 0,00 | 0,700 | 0+00,00 | 7+00,00 | 700 | | Хар 1000 м2 юзага 0,2 тн хисобидан битум сепиш | 700х6х0,2/ 1000 | тн | 0,84 |
| | 7.00 | 1.440 | 7+00,00 | 14+40.00 | 740 | | Хар 1000 м2 юзага 0,5 тн хисобидан битум сепиш | 740х6х0,5/ 1000 | тн | 2,22 |
| 4 | 0.00 | 1.440 | 0+00,00 | 14+40.00 | 1440 | | Майда донали иссиқ зич В турли II-маркали а/бетон қоришмасидан Н-5 см қалинликда қоплама қатламини қуриш | 1440х6 | м2 | 8640 |
| 5 | 0.00 | 1.440 | 0+00,00 | 14+40.00 | 1440 | | Йўл четини Шағал қум аралашмасидан Н-5см қалинликда мустахкамлаш | 1440х1х2 | м2 | 2880 |

Ашёларни ташиб келтириш: **Шағал қум аралашмаси- (Жилвон кони) 95 км: Асфальтобетон қоришмаси ва битум - Ромитан Автобан МЧЖ АБЗ 60 км**

Жондор туман молия бўлими вакили: О.Рамазов

Жондор туман Ободонлаштириш бошқармаси вакили:

Жондор туман Нурафшон МФЙ раиси: ______________

Бухоро электротехлойиха МЧЖ вакиллари: А.Бобожонов

Ж.Зоиров